

Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

3 -сонли ШАРТНОМА

Олтиарик тумани

2022 й. "14" 01

Кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб аталувчи "Фарғона нефт базаси" масъулияти чекланган жамияти Олтиарик филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори А.Шарипов бир томондан ва "Истеъмолчи" деб аталувчи

Олтиарик тумани Ободонлаш ишлари бошқармачиси
У. А. Раевлов номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари
иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "Таъминотчи" Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртача котировка нархларида "Истеъмолчи" га сотади.

1.2. "Таъминотчи" Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини кўйиб "Истеъмолчи" га сотади.

1.3. "Таъминотчи" "Истеъмолчи" нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.4. "Таъминотчи" нинг ("Фарғона нефт базаси" МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) "Истеъмолчи" нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, "Истеъмолчи" нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини куйиб берганлиги учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи" га 1 суткага 3580 сўм миқдорда хизмат ҳақи тўлайди.

"Таъминотчи" ("Фарғона нефт базаси" МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда "Истеъмолчи" нинг нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, "Истеъмолчи" нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини куйиб берганлиги учун "Истеъмолчи" га ҳар ой якуни бўйича алоҳида ҳисоб-варақа (счёт-фактура) тақдим этади.

"Истеъмолчи" ҳисоб-варақа (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида тўловни амалга оширади.

1.5. "Таъминотчи" "Истеъмолчи" нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб "Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича

имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи тасодифий нобуд бўлиши, нефтьмаҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбури ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

5. НЕФТЬМАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни кафолатлайди. Сотилаётган нефтьмаҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефтьмаҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. “Таъминотчи” нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. “Таъминотчи” нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдориде жарима тўлайди.

6.4. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Таъминотчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдориде жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. “Истеъмолчи” ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.6. “Истеъмолчи” етказиб берилган нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни ёнғин бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қургокчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

Йўриқнома”га асосан ҳар ой якуни бўйича “Истеъмолчининг” нефть маҳсулот, “табиий йўқотиш” қўллайди (табиий йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи томонидан қоплаб берилмайди).

2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ–КИТОБ ТАРТИБИ

2.1.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси 8984575 сўмни ташкил қилади.

2.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси олинган куни сотилиши сўралган нефть маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишли хажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефть маҳсулотлари “Таъминотчи”нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг сўровига асосан “Таъминотчи”нинг маҳсулоти автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсулоти транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефть маҳсулотлари омборига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг куйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари куйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар “Таъминотчи”нинг омборида ёки унга қарашли филиаллар дарасмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“ТАЪМИНОТЧИ”

“Фаргона нефт базаси” МЧЖ
Манзили: Тинчлик шаҳарчаси
Шодлик кўчаси 74-уй.
СҚБ Яшнобод филиали
х/р: 22604000100215485704
МФО: 00432
ИНН: 201104250

“ИСТЕЪМОЛЧИ”

Ободонлаштириш бажариласи
Манзил: *Олтиариқ тумани*
Ўзбекистон кўчаси - 128-уй
ш/р: *100022860302037065200110001*
х/р: *23402000300100001010*
ИНН: *200174696* ОКВН: *97600*
МФО: *00014*



Раҳбар:
М.Ў

А.Шарипов



Раҳбар:
М.Ў

Марказий банк Ташкент ККМ
Ибрагимов И. Расулов

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошлиғи:

Н.Ахунташев

2022 йил “ 14 ” 01 № 3 -сонли шартномага 1 илова

“ИСТЕЪМОЛЧИ”

Ободонлиқ турмуш босқичлари

“Фарғона нефт базаси” МЧЖ Олтиарик филиали

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Нефт маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	1 тоннаси нарҳи	Микдори, тонна	Умумий суммаси
1	Авто бензин АИ-80	тн	-	-	-
2	Дизел ёнилғи	тн	11593000	0,775	8984575
	Жами:				

Изоҳ: Дизел ёқилғисининг нарҳи Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржасида 28-12-2021 - 31-12-2020 йил кунлардаги (ўтган ҳафтадаги) шакланган ўртача биржа котировка нарҳига нефт база устамаси қўшиб ёзилди. Ушбу нарх 11.01.2021 йил кунигача амал қилади. Автобензин АИ-80 маҳсулотига биржа электрон сандолари орқали сотиб олинган маҳсулот нарҳига нефт база устамаси қўлланилди.

Умумий жами: 8984575 (саккиз миллион тўққиз юз саксон тўрт минг *сес юз етти миң беш сони*).

Мазкур спецификация икки нусхада тузилди.



“ТАЪМИНОТЧИ”

[Signature]
А.Шарипов



“ИСТЕЪМОЛЧИ”

[Signature]
И. Расулов

Юридик бўлим бошлиғи:

[Signature]

И.Ахунташев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TUG' RISIDA
HUQUQIY XULOSA
№ WW67658267**

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi:

Neft mahsulotlari etkazib berish yuzasidan 2022-yil 14-yanvar kungi 3-sonli shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Loyiha Oltiariq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi bilan Farg'ona NB MCHJ tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 18-yanvar kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkin.

Markaz bosh yuriskonsulti



D.Ashmatov

2022-yil 20-yanvar